



# Ипотека кредитлари шарҳи

---

2021 йилнинг I ярим йиллиги бўйича

Июль 2021 | Тошкент

## **МУНДАРИЖА**

|                                                                                                                    |           |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Ўзбекистонда ипотека бозоридаги кредитлар ҳолати .....</b>                                                      | <b>2</b>  |
| <b>2021 йил I ярим йиллигида тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитлари.....</b>                     | <b>10</b> |
| <b>Янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари .....</b>                                                   | <b>14</b> |
| <b>Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари.....</b> | <b>18</b> |
| <b>Муаммоли ипотека кредитлари.....</b>                                                                            | <b>20</b> |
| <b>Иловалар .....</b>                                                                                              | <b>27</b> |

## Ўзбекистонда ипотека бозоридаги кредитлар ҳолати

2021 йил 6 ойида Ўзбекистон ипотека бозорида кредит кўрсаткичлари ипотека кредитларига бўлган юқори талаб ҳамда бирламчи бозордаги уй-жойлар таклифи ўртасидаги номуносивлик таъсирида шаклланди.

Жорий йил 1 июль ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғи **30,8** трлн. сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан **25,2** фоизга (*6,2 трлн. сўмга*) ўсган бўлса, мазкур даврда ажратилган ипотека кредитлари эса **28,1** фоизга камайиб, **3,5** трлн. сўмни ташкил этди.

Мазкур камайиш тенденциясига асосий омиллар сифатида ипотека бозорида рақобат муҳитини янада ривожлантириш учун жорий этилган қуйидаги:

- 2020 йилги мақсадли давлат дастурларидан бошлаб “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК иштирокида бир қаватли арзон уй-жойлар қурилишининг тўхталиши;
- “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК иштирокида шаҳарларда кўп квартирали арзон уй-жойларнинг қурилишини молиялаштириш **потенциал қарз олувчилар маблағлари** ҳамда қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилишига қаратилган тартибларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Мазкур тартибларнинг жорий этилиши марказлашган маблағлар ҳисобидан уй-жой қурилиши учун ресурс маблағларини ажратишдан воз кечиб, келгусида аҳолига ипотека кредитлари бериш учун тижорат банкларини узок муддатли ресурс маблағлари билан таъминлашга қаратилган.

Жорий йил 6 ойида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **19,8** фоизни (*698,2 млрд. сўм*) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **48,8** фоизга (*2663 млрд. сўмга*) камайган бўлса, мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони билан жорий этилган аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг бозор тамойилларига асосланган **янги тартиби** (*кейинги ўринларда янги тартиб деб юритилади*) доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши **6,7** фоиздан (*328 млрд. сўмдан*) **47,9** фоизга (*1689 млрд. сўмга*) ошди.

“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан дастлабки ипотека кредитлари 2020 йил 1 ноябрда ажратилиб бошланган бўлса, жорий йил 6 ойида мазкур компания маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **17** фоизга (*584,6 млрд. сўмга*) етди.

Шунингдек, 2020 йил I ярим йиллигида иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **1,3** фоизни (*63 млрд. сўм*) ташкил этган бўлса, жорий йил I ярим йиллигида ушбу кўрсаткич **18,6** фоизгача (*656 млрд. сўмга*) ўсиб, муҳим таркибий ўзгаришлар кузатилди. (1-жадвал).

Ипотека кредитларининг асосий кўрсаткичлари<sup>1</sup>

|                                                                                                                                             | 2020 йил<br>январь-июнь                | 2020 йил<br>январь-декабрь             | 2021 йил<br>январь-июнь                |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------|----------------------------------------|----------------------------------------|
| <b>Ажратилган ипотека кредитлари,<br/>млрд. сўмда</b>                                                                                       | <b>4898 (+99,3%)</b>                   | <b>9122 (+14,3%)</b>                   | <b>3523 (-28,1%)</b>                   |
| - бирламчи бозорда                                                                                                                          | 4835 (+102%)                           | 8841(+14,7%)                           | 2867 (+40,7%)                          |
| - иккиламчи бозорда                                                                                                                         | 63 (+4,5%)                             | 281 (+4,6%)                            | 656 (+938%)                            |
| <b>Янги тартиб доирасида ажратилган<br/>ажратилган ипотека ипотека<br/>кредитлари, млрд. сўмда</b>                                          | <b>328</b>                             | <b>1746</b>                            | <b>1689</b>                            |
| - 1 ва 2 хонали квартира учун                                                                                                               | 184                                    | 748                                    | 859                                    |
| - 3 ва ундан кўп хонали квартира<br>учун                                                                                                    | 144                                    | 998                                    | 803                                    |
| - яқка тартибдаги уй-жойлар учун                                                                                                            | 0                                      | 0                                      | 27                                     |
| <b>"Ўзбекистон ипотекани қайта<br/>молиялаштириш компанияси" АЖ<br/>маблағлари ҳисобидан ажратилган<br/>ипотека кредитлари, млрд. сўмда</b> | <b>0</b>                               | <b>61,9</b>                            | <b>584,6</b>                           |
| - бирламчи бозордаги уй-жойларга                                                                                                            | 0                                      | 0,9                                    | 1,7                                    |
| - иккиламчи бозордаги уй-жойларга                                                                                                           | 0                                      | 60,7                                   | 577,8                                  |
| - уй-жойни таъмирлашга                                                                                                                      | 0                                      | 0,3                                    | 5,1                                    |
| <b>Ипотека кредитлари қолдиғи,<br/>трлн. сўмда</b>                                                                                          | <b>01.07.2020 й.<br/>24,6 (+54,7%)</b> | <b>01.01.2021 й.<br/>28,3 (+39,4%)</b> | <b>01.07.2021 й.<br/>30,8 (+25,2%)</b> |

Таъкидлаб ўтиш лозимки, жорий йил I ярим йиллигида ажратилган ипотека кредитлари кескин таркибий ўзгаришлар натижасида камайишига қарамасдан, ипотека кредитларига бўлган талаб юқорилигича қолмоқа ҳамда мазкур талаблар энг аввало қуйидагилар:

➤ иқтисодий кўрсаткичларнинг жадал ўсиши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ялпи ички маҳсулот 6,2 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 4,2 фоизга ҳамда асосий капиталга бўлган инвестициялар 15 фоизга ўсиши);

➤ аҳоли реал даромадларининг ошиб бораётганлиги (жорий йил I ярим йиллигида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,8 фоизга ўсиши);

➤ аҳоли сонининг доимий ўсиб бориши (жорий йил I июль ҳолатига аҳоли сони 34,8 млн. кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,9 фоизни ташкил этиши);

➤ республикада инвестицион фаолликнинг ошиши натижасида қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари сонининг ошиши (жорий йил I июль ҳолатига қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари сони ўтган йилнинг мос даврига 13 фоизга ошиб, 43 455 тани ташкил этиши);


<sup>1</sup> Ипотека кредитларининг фоиз кўрсаткичлари ўтган йилларнинг мос даврига нисбатан ҳисобланган.

➤ янги тартиб жорий этилиши натижасида тижорат банклари ипотека кредитлари ажратиш учун барқарор ресурс манбаи билан таъминланаётганлиги;

➤ иккиламчи ипотека бозоридан уй-жой сотиб олиш, якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ва улушдор жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредитларининг соддалаштирилганлиги натижасида шаклланмоқда.

Юқорида қайд этилган ва бошқа бир қатор муҳим омиллар натижасида 2017 – 2021 йиллар давомида ипотека кредитлари қолдиғи **3,6** баробарга (**22,3 трлн. сўмга**) ипотека шартномалари сони эса қарийб **2,2** баробарга (**134,5 минг донага**) ошган. (1-расм).

1-расм



2021 йил 1 июль ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғининг жами кредит қолдиғига нисбатан улуши **10,3** фоизни (**30,8 трлн. сўм**) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,3** фоизга (**6,2 трлн. сўмга**) ўсган. (2-расм).


2-расм



Худудлар кесимида, **Тошкент шаҳрида** ипотека кредитлари қолдиғи **6,7** трлн. сўмни (худуднинг жами кредит қолдигидаги улуши 5 фоиз), **Самарқандда 2,8** трлн. сўм (*17 фоиз*), **Тошкент вилоятида 2,5** трлн. сўм (*14 фоиз*), **Қашқадарёда 2,4** трлн. сўм (*20 фоиз*), **Сурхондарёда 2,1** трлн. сўмни (*17 фоиз*) ташкил этди. (3-расм).

3-расм


**2021 йил 1 июль ҳолатига ипотека кредити қолдиғининг жами кредит портфелидаги улуши, фоизда**



Тижорат банклари кесимида, ушбу кўрсаткич **Қишлоқ қурилиш банкда 48,6** фоизни (*2020 йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 фоизга камайган*), **Ипотека-банкда 36,8** фоизни (+ 2,8 фоиз), **Асакабанкда 8,4** фоизни (+1,1 фоиз), **Халқ банкида 7,5** фоизни (-0,5 фоиз), **Ўзсаноатқурилишбанкда 7,4** фоизни ва бошқа тижорат банкларида ўртача **3,4** фоизни ташкил этмоқда. (4-расм).

4-расм

**Ипотека кредитларининг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши, фоизда**






Жорий йил 1 июль ҳолатига жами ажратилган ипотека кредитлари қолдиғининг **31,3** фоизи (9,6 трлн. сўм) **Ипотека банк**, **23,5** фоизи (7,3 трлн. сўм) **Қишлоққурилишбанк**, **11,4** фоизи (3,5 трлн сўм) **Миллийбанк**, **10,1** фоизи (3,1 трлн. сўм) **Асакабанк**, **9,7** фоизи (3,0 трлн. сўм) **Ўзсаноатқурилишбанк**, **4,9** фоизи (1,5 трлн. сўм) **Халқ банки** ҳамда **9,1** фоизи (2,5 трлн. сўм) **бошқа тижорат** банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. (5-расм).

5-расм


**2021 йил 1 июль ҳолатига ипотека кредити қолдиғида тижорат банкларининг улуши, фоизда**




Ипотека кредитлари қолдиғининг **157,6** млрд. сўми (жами ипотека кредити қолдиғининг 0,5 фоизи) **7 йил**, **2 337,8** млрд. сўми (**7,6 фоизи**) **10 йил**, **9 661,9** млрд. сўми (**31,4 фоизи**) **15 йил**, **18 640,3** млрд. сўми (**60,5 фоизи**) **20 йилгача** ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келади. (6-расм)

6-расм

**Ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, фоизда**




**Ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, мингда**



Жорий йил I ярим йиллиги якуни бўйича жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғи (61,8 трлн. сўм) таркибида ипотека кредитларининг улуши 49,8 фоизни, 2020 йилнинг тенг даврида мазкур кўрсаткич мос равишда 47,4 трлн. сўм ва 51,9 фоизни (24,6 трлн. сўм) ташкил этган. (7-расм)

7-расм

#### Ипотека кредити қолдиғининг жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғига нисбати




Жисмоний шахсларга ажратилган умумий кредитлар қолдиғида ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи улушининг пасайиши тенденциясини энг аввало, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитининг янада яхшиланиши ҳамда пандемия таъсирида жорий этилган карантин чораларининг юмшатилиши натижасида ишлаб чиқариш мақсадлари учун кредитларга бўлган талабнинг ипотека кредитларига нисбатан кўпроқ ўсиши билан изоҳлаш мумкин.

Хусусан, мазкур даврда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 30,4 фоизга (14,4 трлн. сўмга) ошган бўлса, ипотека кредитлари қолдиғи 25,2 фоизга (6,2 трлн. сўмга) ўсган.

Шунингдек, 2021 йил I ярим йиллигида ажратилган ипотека кредитларининг жисмоний шахсларга ажратилган умумий кредитлардаги улуши 17,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,6 фоизга пасайган. (8-расм)



**Ажратилган ипотека кредитининг жисмоний шахсларга ажратилган умумий кредитларга нисбати**



2021 йил 6 ойида ипотека кредитлари орқали расмийлаштирилган уй-жойларнинг (25 321 та) жами кўчмас мулк олди – сотди шартномаларидаги (163,4 мингта) улуши 15,5 фоизни, ўтган йилнинг мос даврида мазкур кўрсаткич 22,9 фоизни (32 422 та) ташкил этиб, 7,4 фоизга камайган. (9-расм).

Мазкур камайишни ажратилган ипотека кредитларидаги таркибий ўзгаришлар (жорий йил 6 ойида ажратилган ипотека кредитлари таркибида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитлари улушининг камайиши) билан изоҳлаш мумкин.


Худудлар кесимида кўчмас мулк олди-сотдиси таҳлил қилинганда уларнинг энг юқори улуши **Тошкент шаҳри** (жорий йил 6 ойида амалга оширилган умумий кўчмас мулк олди-сотди шартномалари сонидagi улуши 29 фоизи), **Тошкент** (12 фоиз), **Фарғона** (9 фоиз), **Самарқанд** (7 фоиз) вилоятларида шаклланган бўлса, нисбатан паст кўрсаткичлар **Сирдарё** (2 фоиз), **Жиззах** (2 фоиз), **Хоразм** (4 фоиз) ҳамда **Навоий** (4 фоиз) вилоятларида кузатилди.

**2020 – 2021 йилларнинг 6 ойида ипотека кредити асосида сотиб олинган уй-жойларнинг жами кўчмас мулк олди-сотдисидagi улуши, фоизда**



Шунингдек, жорий йил 6 ойида ажратилган ипотека кредитларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши **Сирдарё** вилояти (2,1 фоиз), **Тошкент шаҳри** (1,8 фоиз), **Фарғона** (1,6 фоиз) ҳамда **Андижон** вилоятларида (1,6 фоиз) нисбатан юқори шаклланган бўлса, энг паст кўрсаткичлар **Қашқадарё** (0,7 фоиз), **Навоий** (0,7 фоиз) **Тошкент** (0,7 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. (10-расм).

**Ажратилган ипотека кредитлари ва қолдиғининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши, фоизд**




## 2021 йил I ярим йиллигида тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитлари

Худудлар кесими бўйича қаралганда, 2021 йил I ярим йиллигида ажратилган ипотека кредитларининг **61** фоизи **5** та худудлар ҳиссасига тўғри келиб, бунда **28,2** фоизи (994,3 млрд. сўм) **Тошкент шаҳри**, **9,3** фоизи (328,2 млрд. сўм) **Фарғона** вилояти, **8,4** фоизи (294,3 млрд. сўм) **Андижон** вилояти ҳамда **7,8** фоизи (276,5 млрд. сўм) **Самарқанд** вилояти ҳамда **7,1** фоизи (248,7 млрд. сўм) **Тошкент** вилоятида истиқомат қилувчи фуқароларга ажратилган. (11-расм).

11-расм.


### 2021 йил I ярим йиллигида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Таҳлиллار шуни кўрсатмоқдаки, худудлар кесимида ажратилган ипотека кредитлари сони ҳамда мазкур худудда **1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли сони** ўртасида эластиклик юқори шаклланган бўлиб, улар сонинг ошиши ипотека кредитига бўлган талабни ошишини кўрсатмоқда.


Хусусан, жорий йил 6 ойида ажратилган ипотека кредитларининг юқори сони **Тошкент шаҳрида 4,7** мингта (1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли сони 7554 нафар), **Фарғонада 2,6** мингта (565 нафар) **Андижонда 2,0** мингтани (741 нафар) ташкил этмоқда. (12-расм).

### Худудларда аҳоли зичлиги ҳамда ажратилган ипотека кредитлари сони ўртасида боғлиқлик




Шунингдек, ҳисобот санасида ҳолатига ажратилган ипотека кредитлари таркибида **янги тартиб** доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **32,1** фоизга (*557,7 млрд. сўмга*), “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар эса **20,6** фоизга (*401,1 млрд. сўмга*) ошган бўлса, банк маблағлари ҳисобидан ҳамда “Қишлоққурилишинвест” ИК ва “Ўзшаҳарқурилишинвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг улуш **52,7** фоизга (*1 422,2 млрд. сўмга*) камайган. (13-расм).

**2020 - 2021 йилларнинг I ярим йиллигида ажратилган ипотека кредитлари таркибий улуши, фоизда**




Таҳлиллар давомида тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган кредитлар таркибидаги улуши 4,5 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврида 8,4 фоизни ташкил этганлиги кузатилди. Хусусан, ушбу кўрсаткичнинг сезиларли пасайиши **Асакабанк (-16,1%), Ипотека-банк (-13,3 %), Алоқабанк (-10,1%), Саноатқурилишбанкларида (-6,9 %)** қайд этилган бўлса, юқори ўсиш кўрсаткичлари **Қишлоққурилишбанк (+12,4%)** ҳамда **Микрокредитбанк (+1,6%)** ҳиссасига тўғри келади. (14-расм).

### Ипотека кредитларининг жами ажратилган кредитлардаги улуши, фоизда




Жорий йил 6 ойида ажратилган ипотека кредитларининг **24** фоизи (847,9 млрд. сўм) 18-30 ёшгача, **70** фоизи (2468,5 млрд. сўм) 31-50 ёшгача, **6** фоизи (206,4 млрд. сўм) эса 50 ёшдан юқори фуқароларга ажратилган. (15-расм).


### 2021 йил 6 ойида ажратилган ипотека кредитлари миқдорларининг ёш бўйича таснифи, фоизда



**31-50 ёшгача**



**18-30 ёшгача**



**50 ёшдан юқори**

Шунингдек, ипотека кредитларининг **2 866,8** млрд. сўми (жами ажратилган кредитларнинг 81 фоизи) **бирламчи** бозордаги уйларни (шундан, янги тартиб доирасида 1688,6 млрд. сўм) **656,0** млрд. сўми (19 фоизи) эса **иккиламчи** бозордаги уйларни сотиб олиш учун ажратилган.




## Янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари

2021 йил 6 ойида **янги тартиб** доирасида **8 027** нафар фуқароларга жами **1 688,6** млрд. сўм (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 80,5% ёки 1360,5 млрд. сўмга кўп*) миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг **859,2** млрд. сўми (*52,0 фоизи*) **1 ва 2** хонали квартира, **802,9** млрд. сўми эса (*47,5 фоизи*) **3 ва ундан кўп** хонали квартираларни, шунингдек, **26,5** млрд. сўми (*1,6 фоизи*) **якка тартибдаги уй-жойларни** сотиб олиш учун берилган.

16-расм


### Янги тартиб доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Ажратилган мазкур ипотека кредитларининг энг юқори улушлари **Тошкент шаҳри** (*246,3 млрд. сўм*), **Самарқанд вилояти** (*233,5 млрд. сўм*), **Фарғона вилояти** (*221,5 млрд. сўм*) ҳамда **Андижон вилоятлари** (*208,7 млрд. сўм*) ҳиссасига тўғри келмоқда. (16-расм).


2020-2021 йилларнинг 6 ойида **янги тартиб** доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига **3 435,6** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилиб, уларнинг энг юқори улуши **Ипотека-банк** (*37,7 фоизи*), **Қишлоққурилишбанк** (*18,6 фоизи*), **Миллийбанк** (*8,4 фоизи*), **Халқ банки** (*6,5 фоизи*) ҳамда **28 фоизи бошқа иштирокчи тижорат банклари** ҳиссасига тўғри келмоқда. (17-расм).

**2020 - 2021 йилларнинг I ярим йиллигида янги тартиб доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда**



2020 йилда ҳамда жорий йил 6 ойида **янги тартиб** доирасида ажратилган ипотека кредитларининг **29** фоизи (*4 551 нафар фуқароларга 984,7 млрд. сўм*) уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган.

**Янги тартиб доирасида субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда**




Мазкур кредитларнинг **345,0** млрд. сўми (35 фоизи) Самарқанд, **108,3** млрд. сўми (11 фоизи) Сурхондарё, **96,6** млрд. сўми (9,8 фоизи) Андижон, **92,1** млрд. сўми (9,4 фоизи) Фарғона вилоятларида истиқомат қилувчи уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқаролар ҳиссасига тўғри келади. (18-расм).

Шунингдек, ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **17,3** фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,2** фоиз бандга пасайган.

2020 йил ҳамда 2021 йилнинг 6 ойида **янги тартиб** доирасида ажратилган ипотека кредитларини ўртача энг паст фоиз ставкаси жорий йил апрель ойида кузатилиб, **17,2** фоизни ташкил этди. (19-расм).

19-расм

**Марказий банкнинг асосий ставкаси ҳамда янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитларининг ўртача фоиз ставкаси, фоизда**



Янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари ўртача фоиз ставкасининг пасайиш тенденциясига эга бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлар фоизлари мос равишда камайиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши бўйича белгиланган тартиб билан изоҳланади.

Хусусан, Марказий банкнинг асосий ставкаси 2020 йилда **16** фоиздан **14** фоизга туширилди ва бу ўз навбатида, ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайишига олиб келди.

Шу билан бирга, Молия вазирлиги томонидан **янги тартиб** доирасида иштирокчи тижорат банкларига тақдим этилаётган ресурс маблағлари тижорат банкларига аҳолининг ипотека кредитларига бўлган талабини ўз вақтида қоплашга ҳамда тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, ипотека кредитлари фоиз ставкасининг пасайишига омил бўлмоқда.

Келгусида инфляция даражасининг тушиши Марказий банк асосий ставкаси ва **янги тартиб** доирасида ажратиладиган ипотека кредитлари фоизининг мутаносиб тарзда пасайишига иқтисодий асос бўлади.


## Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон “Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан бугунги кунда **8 та** тижорат банклари (*Ипотека банк, Асака банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоққурилишбанк, Агробанк, Туронбанк, Ҳамкорбанк ва Халқ банки*) томонидан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан **бирламчи** ва **иккиламчи** уй-жой бозорларида **квартиралар сотиб олиш (400,0 млн. сўмгача)** ҳамда **таъмирлаш** учун (80,0 млн. сўмгача) ипотека кредитлари ажратилмоқда.

Жорий йил 1 июль ҳолатида тижорат банклари томонидан мазкур компания ресурс маблағлари ҳисобидан **3 413** нафар фуқароларга **584,6** млрд. сўм миқдоридagi ипотека кредитлари ажратилди. Мазкур ипотека кредитларининг **98,8** фоизи (577,8 млрд. сўм) **иккиламчи** бозордан, **0,3** фоизи (1,7 млрд. сўм) **бирламчи** бозордан уй-жойлар харид қилиш учун, шунингдек, **0,9** фоизи (5,1 млрд. сўми) **уй-жойларни таъмирлаш** учун йўналтирилган.

20-расм

### 2021 йил 6 ойида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси мблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




Ажратилган ипотека кредитларининг **28,6** фоизи (167,0 млрд. сўм) **Тошкент шаҳри**, **11,3** фоизи (65,9 млрд. сўм) **Тошкент вилояти**, **9,2** фоизи (54,0 млрд. сўм) **Навоий**, **8,5** фоизи (49,6 млрд. сўм) **Қорақалпоғистон Республикаси**, **7,1** фоизи (41,4 млрд. сўм) **Хоразм** вилоятида истиқомат қилувчи фуқаролар ҳиссасига тўғри келади. (20-расм).

2021 йил 6 ойида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг (584,6 млрд. сўм) нисбатан юқори улуши **Ҳамкорбанкда 22,1** фоизни, **Саноатқурилишбанкда 21,4** фоизни, **Қишлоққурилишбанкда 13,8** фоизни, **Ипотека-банкда 12,7** фоизни ташкил этган бўлса, нисбатан паст кўрсаткичлар **Халқ банки (0,4 фоиз)** ҳамда **Асакабанк (8,9 фоиз)** ҳиссасига тўғри келмоқда. (21-расм).

21-расм


**Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларда тижорат банкларининг улуши, фоизда**



Шунингдек, жорий йил I ярим йиллигида **598** минг нафар фуқароларнинг жами **956,4** млрд. сўм (*кредит графигига нисбатан 102 фоизга ёки 484 млрд. сўмга кўп*) миқдоридаги ипотека кредитлари сўндирилди.

Жумладан, **Тошкент шаҳрида 269** млрд. сўм (*жами сўндирилган ипотека кредитларининг 28,1 фоизи*), **Самарқандда 89** млрд. сўм (*9,3 фоиз*), **Қашқадарёда 83** млрд. сўм (*8,6 фоизи*), **Тошкент вилоятида 68** млрд. сўм (*7,1 фоизи*) миқдоридаги ипотека кредитлари сўндирилди. (22-расм).

### 2021 йил 6 ойида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда



### Муаммоли ипотека кредитлари ҳолати

Жорий йил 6 ойи натижаларига кўра, жами ажратилган ипотека кредитлари бўйича 90 кундан ортиқ вақт давомида қайтарилмаётган кредит қарздорлиги миқдори (кейинги ўринларда муаммоли кредитлар деб юритилади) **480,0** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **364,2** млрд. сўмга, жорий йил бошига нисбатан эса **186,8** млрд. сўмга кўпайган. (2-жадвал).

2-жадвал

### Ажратилган ипотека кредити қолдиғи ва муаммоли кредитлар миқдори, млрд. сўмда

| Муддат        | Ипотека кредити қолдиғи | Муаммоли кредит | Муаммоли кредит қолдиғининг ўтган чоракка нисбатан кўпайиши |
|---------------|-------------------------|-----------------|-------------------------------------------------------------|
| 01.07.2020 й. | 24 594,5                | 115,8           | 60,4                                                        |
| 01.10.2020 й. | 26 050,3                | 215,5           | 99,7                                                        |
| 01.01.2021 й. | 28 260,1                | 293,2           | 77,7                                                        |
| 01.04.2021 й. | 29 389,7                | 414,8           | 121,6                                                       |
| 01.07.2021 й. | 30 797,7                | 480,0           | 65,2                                                        |

2021 йил 1 июль ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **25** фоизга ўсган бўлса, муаммоли кредитлари миқдори эса **8** фоизга ошган. Мазкур ҳолатни пандемия туфайли аҳоли тўлов қобилиятининг пасайиши ҳамда кредитларни қайтариш бўйича берилган энгилликлар билан изоҳлаш мумкин.



Муаммоли кредитлар микдорининг жами кредит қолдиғига нисбати 2020 йилнинг мос даврига нисбатан **2,9** фоиздан **5,6** фоизга ошган бўлса, ушбу кўрсаткич ипотека кредитлари бўйича **0,5** фоиздан **1,6** фоизгача ошган. (23-расм).


Шунингдек, жами муаммоли кредитлар қолдиғининг жами ипотека кредити қолдиғидаги улуши **7,4** фоизни (2 269,6 млрд. сўм) ташкил этиб, жорий йил 1 апрель ҳолатига нисбатан **0,8** фоизга (338 млрд. сўмга) ошган.

Жами ипотека кредитлари қолдиғи таркибида марказлашган маблағлар ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг қолдиғининг улуши **73,5** фоизга (22,6 трлн. сўм), тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар қолдиғи улуши эса **26,5** фоизга (8,1 трлн. сўм) тенг бўлди.

Марказлашган маблағлар ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари бўйича муаммоли кредитлар микдорининг жами кредит қолдиғидаги улуши **0,7** фоизни этган бўлса, ушбу кўрсаткич тижорат банклари маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича **3,8** фоизни ташкил этмоқда.


23-расм

**2021 йил 1 июль ҳолатига муаммоли кредитлар микдори (NPL)нинг жами кредит қолдиғига нисбати, фоизда**




Таҳлиллар муаммоли кредитлар микдорининг (NPL) нисбатан юқори кўрсаткичлари **Қорақалпоғистон Республикасида 3,3** фоизни (66,1 млрд.сўм), **Жиззахда 3,3** фоизни (50,6 млрд.), **Сурхондарёда 3,1** фоизни (66,9 млрд. сўм), **Андижонда 2,6** фоизни (50,4 млрд. сўм) ва **Сирдарёда 2,4** фоизни (26,4 млрд. сўм) ташкил этаётганлигини кўрсатди. (24-расм).

**2021 йил 1 июль ҳолатига муаммоли кредитлар миқдорининг (NPL) жами  
ипотека кредити қолдиғига нисбати, фоизда**




Тижорат банклари кесимида, муаммоли кредит қолдиғининг жами ипотека кредити қолдиғидаги улуши **Миллий банкда 3,8** фоизга (135,5 млрд. сўм), **Асакабанкда 2,0** фоизга (79,9 млрд. сўм), **Микрокредитбанкда 1,6** фоизга (4,2 млрд. сўм) ҳамда **Халқ банкида 1,5** фоизга (25,6 млрд. сўм) тенглиги кузатилди. (25-расм).

**Муаммоли кредит миқдорининг (NPL) жами ипотека кредити қолдиғига нисбати,  
фоизда**




Ҳисобот даврида муаммоли кредитлар миқдорининг нисбатан юқори улуши **Сурхондарё** вилояти (13,9 фоиз), **Қорақалпоғистон Республикаси** (13,8 фоиз), **Самарқанд** (13,5 фоиз) ҳамда **Жиззах** (10,5 фоиз) вилоятларида қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткичлар **Хоразм** (0,9 фоиз) ва **Бухоро** вилоятларида кузатилди. (26-расм).

**2021 йил 1 июль ҳолатига ҳудудларнинг муаммоли  
кредит миқдоридаги улуши, фоиз**



Ўрганишлар жами кредит қолдиғининг **0,3** фоизи (94,6 млрд. сўм) **2010 йилгача**, **15,0** фоизи (4 610,5 млрд. сўм) **2011-2016 йиллар** давомида, **84,7** фоизи (26 092,6 млрд. сўм) **2017 йилдан жорий йил 1 июлига қадар** ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келаётганлигини кўрсатмоқда. (27-расм)

**Ипотека кредити қолдиғининг ажратилган даври бўйича тақсимоти, фоизда**




**2010 йилгача** ажратилган ипотека кредитлари бўйича муаммоли кредитлар миқдори (NPL) мазкур кредитларнинг қолдиғига нисбати **4,5** фоизни ташкил этаётган бўлса, ушбу кўрсаткич **2011-2016 йилларда** ажратилган ипотека кредитлари бўйича **2,4** фоизни, **2017 -2020 йиллар ва 2021 йил 6 ойи** бўйича эса **1,4** фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йил 6 ойида **Қишлоққурилишбанк** томонидан **239** млрд. сўм (*жами сўндирилган ипотека кредитларининг 25 фоизи*) сўндирилган бўлса, мазкур кўрсаткич **Ипотека-банкда 211** млрд. сўмни (*22 фоиз*), **Миллийбанкда 127** млрд. сўмни (*13 фоиз*), **Асакабанкда 82** млрд. сўмни (*9 фоиз*) ташкил этмоқда.

Сўндирилган ипотека кредитларининг кредит графигига нисбати **Ипотека-банкда 194** фоизни (*кредит графигиган нисбатан 139,6 млрд сўм кўп сўндирилган*), **Саноатқурилишбанкда 101** фоизни (*+39,2 млрд. сўм*), **Туронбанкда 88** фоизни (*+5,7 млрд. сўм*), **Қишлоққурилишбанкда 83** фоизни (*+108,5 млрд. сўм*) ташкил этмоқда. (28-расм).


28-расм

**2021 йил 6 ойида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда**



Таҳлилларга кўра, 2021 йил якунига қадар барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган ипотека жами **2 277,6** млрд. сўми, жумладан, **Қашқадарёда 269** млрд. сўм (*жами сўндирилиши кутилаётган ипотека кредитларининг 11,8 фоизи*), **Самарқандда 219** млрд. сўм (*9,6 фоизи*), **Сурхондарёда 209** млрд. сўм (*9,2 фоизи*), **Андижонда 188** млрд. сўм (*8,2 фоиз*) тўлиқ сўндирилиши кутилмоқда. (29-расм).


**2021 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг сўндирилиши кутилаётган миқдори, млрд. сўмда**



Шунингдек, 2017-2020 йилларда бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ажратилган ипотека кредитларининг қолдиғи жорий йил 1 июль ҳолатига **577,4** млрд. сўмни (*жами ипотека кредити қолдигига нисбатан 1,9 фоиз*) ташкил этиб, унинг **1,2** фоизи (*5,8 млрд. сўм*) муаммоли кредит қолдиғи сифатида қайд этилди.

Мазкур муаммоли кредит қолдиғининг **37,3** фоизи (*2,2 млрд сўми*) **Андижон**, **19,4** фоизи (*1,1 млрд. сўми*) **Фарғона**, **10,6** фоизи (*621 млн. сўми*) ҳамда **9,1** фоизи (*530 млн. сўм*) **Самарқанд** ҳамда **23,6** фоизи (*1,4 трлн. сўми*) бошқа вилоятлар ҳиссасига тўғри келмоқда. (30-расм).

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича муаммоли кредит қолдиғи, млн. сўмда**



Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи таркибида асосий кредит қарз тўловлари 2020 йилда бошланган ипотека кредитлари миқдори **27,3** млрд. сўмни (мазкур йўналишида ажратилган жами кредит қолдиғига нисбатан 6,4 фоиз) ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич **2021** йилдаги кредитлар учун **67,3** фоиз (*401,5 млрд сўм*), **2022** йил ва ундан кейинги йиллар учун мос равишда **23,4** фоиз (*132,1 млрд. сўм*) ҳамда **3** фоизни (*16,5 млрд. сўм*) ташкил этмоқда.

## 2017-2021 йилларнинг I ярим йиллигида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

| №    | Худудлар номи                | Жами ажратилган кредитлар |          | шундан               |         |                      |         |                      |         |                      |         |                      |         | Жами ажратилган кредитлар қолдиғи<br>(01.07.2021 й.) |
|------|------------------------------|---------------------------|----------|----------------------|---------|----------------------|---------|----------------------|---------|----------------------|---------|----------------------|---------|------------------------------------------------------|
|      |                              |                           |          | 2017 йил<br>II чорак |         | 2018 йил<br>II чорак |         | 2019 йил<br>II чорак |         | 2020 йил<br>II чорак |         | 2021 йил<br>II чорак |         |                                                      |
|      |                              | сони                      | суммаси  | сони                 | суммаси | сони                 | суммаси | сони                 | суммаси | сони                 | суммаси | сони                 | суммаси |                                                      |
| ЖАМИ |                              | 126 850                   | 14 527,0 | 15 820               | 1 429,1 | 23 332               | 1 894,5 | 29 955               | 2 782,5 | 32 422               | 4 898,1 | 25 321               | 3 522,8 | 30 797,7                                             |
| 1    | Қорақалпоғистон Республикаси | 9 453                     | 963,2    | 1 116                | 73,5    | 1 682                | 164,0   | 3 336                | 333,2   | 1 835                | 248,1   | 1 484                | 144,5   | 2 013,2                                              |
| 2    | Андижон вилояти              | 7 921                     | 827,7    | 1 370                | 111,5   | 2 403                | 169,5   | 1 048                | 93,5    | 1 086                | 158,9   | 2 014                | 294,3   | 1 937,1                                              |
| 3    | Бухоро вилояти               | 4 362                     | 459,2    | 135                  | 11,7    | 761                  | 57,6    | 1 413                | 141,9   | 767                  | 92,7    | 1 286                | 155,4   | 1 457,3                                              |
| 4    | Жиззах вилояти               | 7 479                     | 653,3    | 1 052                | 75,2    | 2 373                | 118,2   | 1 680                | 143,0   | 1 334                | 209,3   | 1 040                | 107,7   | 1 540,1                                              |
| 5    | Қашқадарё вилояти            | 10 816                    | 1 049,7  | 1 939                | 155,3   | 2 686                | 305,4   | 3 043                | 279,0   | 1 692                | 175,3   | 1 456                | 134,7   | 2 380,5                                              |
| 6    | Навоий вилояти               | 5 619                     | 572,1    | 1 166                | 103,0   | 826                  | 60,0    | 1 547                | 114,1   | 706                  | 100,9   | 1 374                | 194,0   | 1 323,4                                              |
| 7    | Наманган вилояти             | 6 026                     | 587,1    | 318                  | 34,6    | 858                  | 77,1    | 1 413                | 141,2   | 2 028                | 150,7   | 1 409                | 183,5   | 1 513,7                                              |
| 8    | Самарқанд вилояти            | 9 915                     | 1 074,4  | 1 701                | 138,2   | 1 160                | 63,0    | 2 735                | 162,3   | 2 680                | 434,3   | 1 639                | 276,5   | 2 767,2                                              |
| 9    | Сурхондарё вилояти           | 9 091                     | 924,5    | 1 443                | 118,2   | 1 890                | 148,5   | 1 586                | 146,1   | 2 178                | 299,4   | 1 994                | 212,3   | 2 143,3                                              |
| 10   | Сирдарё вилояти              | 5 040                     | 499,7    | 991                  | 55,5    | 1 034                | 75,8    | 1 327                | 109,9   | 680                  | 119,1   | 1 008                | 139,4   | 1 084,0                                              |
| 11   | Тошкент вилояти              | 11 842                    | 1 141,4  | 826                  | 51,1    | 2 110                | 135,1   | 3 386                | 297,1   | 3 591                | 409,5   | 1 929                | 248,7   | 2 474,0                                              |
| 12   | Фарғона вилояти              | 9 842                     | 900,9    | 1 389                | 98,4    | 1 572                | 115,3   | 2 313                | 165,9   | 1 977                | 193,1   | 2 591                | 328,2   | 2 195,0                                              |
| 13   | Хоразм вилояти               | 7 112                     | 475,8    | 1 161                | 88,8    | 1 360                | 57,9    | 1 709                | 131,6   | 1 499                | 88,3    | 1 383                | 109,3   | 1 302,1                                              |
| 14   | Тошкент шаҳри                | 22 332                    | 4 397,9  | 1 213                | 314,2   | 2 617                | 347,0   | 3 419                | 523,8   | 10 369               | 2 218,6 | 4 714                | 994,3   | 6 666,8                                              |

## 2017-2021 йилларнинг I ярим йиллигида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

| №    | Тижорат банклари<br>номи | Жами ажратилган<br>кредитлар |          | шундан               |         |                      |         |                      |         |                      |         |                      |         | Жами<br>ажратилган<br>кредитлар<br>қолдиғи<br>( 01.07.2021 й.) |
|------|--------------------------|------------------------------|----------|----------------------|---------|----------------------|---------|----------------------|---------|----------------------|---------|----------------------|---------|----------------------------------------------------------------|
|      |                          |                              |          | 2017 йил<br>II чорак |         | 2018 йил<br>II чорак |         | 2019 йил<br>II чорак |         | 2020 йил<br>II чорак |         | 2021 йил<br>II чорак |         |                                                                |
|      |                          | сони                         | суммаси  | сони                 | суммаси | сони                 | суммаси | сони                 | суммаси | сони                 | суммаси | сони                 | суммаси |                                                                |
| ЖАМИ |                          | 126 850                      | 14 527,0 | 15 820               | 1 429,1 | 23 332               | 1 894,5 | 29 955               | 2 782,5 | 32 422               | 4 898,1 | 25 321               | 3 522,8 | 30 797,7                                                       |
| 1    | Ипотекабанк              | 40 987                       | 5 003,5  | 2 067                | 203,1   | 7 509                | 690,5   | 7 788                | 780,3   | 12 892               | 2 022,2 | 10 731               | 1 307,5 | 9 642,1                                                        |
| 2    | Асакабанк                | 15 256                       | 1 915,9  | 1 863                | 188,1   | 3 445                | 330,5   | 3 817                | 384,4   | 5 531                | 920,3   | 600                  | 92,5    | 3 103,3                                                        |
| 3    | Миллийбанк               | 15 477                       | 1 289,5  | 2 762                | 192,0   | 3 039                | 132,6   | 4 076                | 326,2   | 3 346                | 385,6   | 2 254                | 253,1   | 3 495,8                                                        |
| 4    | Ўзсаноатқурилишбанк      | 15 678                       | 2 017,4  | 2 004                | 201,3   | 2 587                | 241,2   | 4 255                | 400,8   | 5 274                | 935,7   | 1 558                | 238,3   | 2 987,5                                                        |
| 5    | Халқ банки               | 8 172                        | 654,9    | 1 243                | 74,2    | 1 908                | 119,9   | 2 004                | 142,8   | 1 662                | 150,2   | 1 355                | 167,9   | 1 504,6                                                        |
| 6    | Алоқабанк                | 995                          | 174,5    | 253                  | 32,3    | 240                  | 37,0    | 172                  | 27,3    | 228                  | 54,6    | 102                  | 23,2    | 366,3                                                          |
| 7    | Қишлоққурилишбанк        | 22 385                       | 1 839,4  | 4 820                | 380,7   | 3 711                | 184,6   | 5 904                | 421,8   | 2 527                | 165,6   | 5 423                | 686,7   | 7 260,9                                                        |
| 8    | Микрокредитбанк          | 1 371                        | 251,2    | 81                   | 10,5    | 495                  | 81,0    | 203                  | 38,8    | 118                  | 25,0    | 474                  | 95,9    | 394,6                                                          |
| 9    | Агробанк                 | 1 093                        | 223,0    | 50                   | 6,9     | 34                   | 4,4     | 81                   | 14,3    | 253                  | 73,1    | 675                  | 124,3   | 392,1                                                          |
| 10   | Туронбанк                | 906                          | 189,9    | 90                   | 12,0    | 28                   | 4,3     | 132                  | 24,3    | 229                  | 57,5    | 427                  | 91,8    | 303,3                                                          |
| 11   | Бошқа банклар            | 4 530                        | 967,7    | 587                  | 127,8   | 336                  | 68,6    | 1 523                | 221,6   | 362                  | 108,2   | 1 722                | 441,5   | 1 347,1                                                        |



## Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи

2021 йил 1 июль ҳолатига

млрд. сўмда

| №    | Худудлар номи                | Жами ипотека қолдиғи |          | шундан,                          |         |                             |          |                            |         |                                                     |         |                                        |         |
|------|------------------------------|----------------------|----------|----------------------------------|---------|-----------------------------|----------|----------------------------|---------|-----------------------------------------------------|---------|----------------------------------------|---------|
|      |                              |                      |          | банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан |         | бюджет маблағлари ҳисобидан |          | Молия вазирлиги маблағлари |         | Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси |         | Марказий банкнинг маблағлари ҳисобидан |         |
|      |                              | сони                 | суммаси  | сони                             | суммаси | сони                        | суммаси  | сони                       | суммаси | сони                                                | суммаси | сони                                   | суммаси |
| ЖАМИ |                              | 249 578              | 30 797,7 | 71 415                           | 8 174,3 | 157 064                     | 18 429,2 | 16 090                     | 3 401,3 | 3 825                                               | 656,6   | 1 184                                  | 136,2   |
| 1    | Қорақалпоғистон Республикаси | 16 563               | 2 013,2  | 7 251                            | 941,1   | 8 395                       | 916,3    | 540                        | 102,5   | 377                                                 | 53,3    | 0                                      | 0,0     |
| 2    | Андижон вилояти              | 17 815               | 1 937,1  | 4 445                            | 395,4   | 11 580                      | 1 172,3  | 1 429                      | 315,3   | 183                                                 | 34,8    | 178                                    | 19,3    |
| 3    | Бухоро вилояти               | 13 553               | 1 457,3  | 3 331                            | 291,5   | 9 003                       | 949,0    | 1 066                      | 192,8   | 153                                                 | 24,0    | 0                                      | 0,0     |
| 4    | Жиззах вилояти               | 12 027               | 1 540,1  | 3 222                            | 481,2   | 8 379                       | 970,4    | 301                        | 72,3    | 66                                                  | 9,7     | 59                                     | 6,5     |
| 5    | Қашқадарё вилояти            | 21 858               | 2 380,5  | 7 995                            | 807,4   | 13 048                      | 1 424,9  | 539                        | 112,9   | 157                                                 | 22,4    | 119                                    | 13,0    |
| 6    | Навоий вилояти               | 12 836               | 1 323,4  | 3 297                            | 236,9   | 7 651                       | 750,8    | 1 376                      | 263,1   | 363                                                 | 57,0    | 149                                    | 15,6    |
| 7    | Наманган вилояти             | 14 806               | 1 513,7  | 3 182                            | 249,9   | 10 290                      | 1 039,4  | 1 063                      | 189,9   | 181                                                 | 25,4    | 90                                     | 9,1     |
| 8    | Самарқанд вилояти            | 22 415               | 2 767,2  | 5 242                            | 512,6   | 14 207                      | 1 590,8  | 2 708                      | 621,2   | 112                                                 | 22,1    | 146                                    | 20,5    |
| 9    | Сурхондарё вилояти           | 18 136               | 2 143,3  | 6 319                            | 737,4   | 10 308                      | 1 085,1  | 1 213                      | 279,7   | 86                                                  | 16,2    | 210                                    | 25,0    |
| 10   | Сирдарё вилояти              | 9 346                | 1 084,0  | 2 647                            | 309,5   | 6 369                       | 702,8    | 179                        | 49,9    | 91                                                  | 15,3    | 60                                     | 6,4     |
| 11   | Тошкент вилояти              | 20 575               | 2 474,0  | 3 842                            | 393,5   | 15 676                      | 1 899,8  | 481                        | 95,1    | 523                                                 | 79,4    | 53                                     | 6,2     |
| 12   | Фарғона вилояти              | 20 342               | 2 195,0  | 5 029                            | 441,2   | 12 993                      | 1 332,0  | 2 038                      | 382,4   | 282                                                 | 39,4    | 0                                      | 0,0     |
| 13   | Хоразм вилояти               | 13 008               | 1 302,1  | 3 214                            | 234,4   | 9 015                       | 943,2    | 398                        | 65,9    | 261                                                 | 43,9    | 120                                    | 14,8    |
| 14   | Тошкент шаҳри                | 36 298               | 6 666,8  | 12 399                           | 2 142,3 | 20 150                      | 3 652,5  | 2 759                      | 658,4   | 990                                                 | 213,6   | 0                                      | 0,0     |

## Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи

2021 йил 1 июль ҳолатига

млрд. сўмда

| №    | Тижорат банклари номи | Жами ипотека қолдиғи |          | шундан,                          |         |                             |          |                            |         |                                                     |         |                                        |         |
|------|-----------------------|----------------------|----------|----------------------------------|---------|-----------------------------|----------|----------------------------|---------|-----------------------------------------------------|---------|----------------------------------------|---------|
